

Шайх Муҳаммад Аввома билан суҳбат - Талабалари



16:40 / 25.04.2018 4702

-Биламизки, Кавсарийнинг жуда кўплаб шогирдлари бўлган. Лекин улар орасида Абу Ғудданинг ўрни бошқача. У киши нега айнан Абу Ғуддани ўзларига яқин кўрганлар?

Шайх Муҳаммад Аввома - Кавсарий илмга иштиёқи ва бу йўлда ғайратини кўрсатган талабасига истеъдодига яраша таълим берган. Абу Ғуддани кўрганлариданоқ ундаги илмга ва изланишга бўлган иштиёқини пайқаганлар. Шу сабабли ҳам унга ҳаддан ортиқ ўзларига яқин олганлар.

Абу Ғудданинг Азҳардан олдин Ҳалабда узоқ муддат таҳсил олганлар. Лекин Азҳардаги 6 йиллик таълим унга янги уфқларни кашф қилишига йўл очган. Чунки Мисрда Кавсарийнинг ёнида бўлган. Агар у дарсга

кечкадиган бўлса, Кавсарий дарҳол бирор талабасини юбориб уни чақиртирар эди.

Кавсарий жуда катта кутубхона эди. Баъзан бир мушкул фикҳий масалада эътиборсиз қолган, мавзуга умуман алоқаси йўқдек кўринган бир маълумотни келтириб, ўзи айтган мавзуга боғлаб кетар эди. У кишининг бу жиҳатини аниқ далил билан исботлаш учун Абу Ғуддадан иқтибос келтираман: Абу Ғудда Лакнавийнинг Ар-рофуъ ват такмийл асарга муқаддима ёзаётган пайтида муаллифнинг таржимаи ҳоли бобида шундай дейди: Унинг қўлида бир чироқ бўларди. Чироқни китобларга тутиб улардан истаган жойларини олар эди”. Абу Ғудда менга шундай деганди: Бу Кавсарийга ҳам тегишли гапдир. Мен эътироф қилиб айтаманки, Валлоҳи, гўё қўлида бир чироқ бўларди ва нима қаерда бўлишини билар, истаган маълумотларини оларди.